## ЎН ЙИЛЛИК ЙЎЛГА НАЗАР

# «ЎЗМИЛЛИЙБАНК»: МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА




**Куни кеча Ўзбекистон давлат суверенитетига эришилган куннинг ўн йиллигини тантанали нишонладик. Мустақил мамлакат тараққиётининг 10 йили асрларга татигулик воқеаларга бой бўлди. Кучли иқтисодиёти ва ривожланган демократик жамияти бўлган давлатни қуришга қаратилган қудратли бунёдкорлик кучи, қайта ўзгартишлар руҳи, айниқса, бу йиллар учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди.**

**Истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалда барча соҳаларда жуда катта қадамлар ташланди. Лекин иқтисодий ўзгаришларга алоҳида ўрин ажратилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Йилдан-йилга республикада собитқадамлик билан кўп укладлик янги иқтисодиёт барпо этиб борилди. У ички эҳтиёжларни қониқтирибгина қолмасдан, халқаро хўжалик тизимига ҳам аста-секин ва уйғун тарзда қўшилиб бориш имкониятини яратиб берди.**

**Базавий тармоқлар — нефть ва металларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё ва тўқимачилик саноатлари, саёҳат ва транспорт соҳалари, коммуникациялар тизимида ҳам чуқур таркибий қайта қуришлар амалга оширилди. Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар жумласига кирди. Шу билан бирга, мамлакатда хусусий мулкдорлар синфи шакллантирилиб, кичик ва ўрта бизнес муваффақиятли ривожланмоқда.**

**Иқтисодиётни тубдан янгилаш учун, албатта, хорижий сармоя талаб этилади. Ўзбекистон ҳукумати бу муҳим масалани ҳам ҳал этишга киришди. Натижада қулай инвестиция иқлимини яратиш борасида янги қонунларни жадал ишлаб чиқиш билан бирга, мамлакат бутун молия тизими ҳам қайта ташкил этилди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, суверен Ўзбекистон молия тизимининг тўнғичи бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бу ишларда ҳукуматнинг ишончли таянчига айланди.**

**Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов банк олдига маҳаллий компанияларнинг ташқи савдо операцияларига халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсата оладиган, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини, илғор технологияларни жалб эта оладиган молия ташкилотини тузишга доир принципиал жиҳатидан янги вазифаларни қўйган эди. Аслида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки халқаро молия бозорида мамлакат банк тизимининг тимсолига айланиши керак эди. Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, у ўз олдига қўйилган ана шу вазифаларни шараф билан адо этди. Банк консерватив ташқи сиёсатга таяниб, бошқарувнинг энг мақбул механизмларини, самарали ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу эса унга ишонч билан жадал ривожланиб, ўзининг ўн йиллик тўйини баобрў малакали молия ташкилоти, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида кутиб олиш имконини берди.**

**Умуман, «Ўзмиллийбанк» босиб ўтган йўл ўзига хос бўлиб, йил сайин нафақат янги тажрибалар, балки мамлакатимиз равнақи билан боғлиқ янги-янги муваффақиятлар ва ютуқлар билан бойиб борди. Банкнинг ўн йиллик тарихи, ўз моҳиятига кўра, мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодий тараққиёти динамикасини акс эттиради. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон банки тизимининг пешқадами — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг амалга оширган қайта ўзгартишлар кўламларини ва унинг ана шу ишларга қўшган ҳиссасини тўғри баҳолаш имконини беради.**

## ДАСТЛАБКИ СИНОВ

**1991 йил** 7 сентябрь. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг бир неча кун ўтгач, Президентимиз «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Ўша йилнинг 7 октябрида эса банк ишга тушди. Миллий банкнинг дастлабки биноси Охунбобоев кўчасидаги 23-уйда жойлашганди. Шу ерда жамоа томонидан унинг молиявий сиёсати ва стратегиясининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди, бундан буёнги жўшқин ривожланиш йўлига асос солинди.

Банкнинг илк командаси юз кишидан бироз ортиқроқ бўлиб, у маслакдошлар, вақтнинг ўзи кўрсатганидек, банк ишининг чинакам билимдонлари жамоаси эди.

**1992 йил.** Ўзбекистон ўнлаб йиллар мобайнида юзага келган иқтисодий алоқалар парчаланган бир шарт-шароитда мустақил давлат қуришга киришган кезларда «Ўзмиллийбанк» асосларининг шаклланиши ниҳоясига етказилди. У замонавий тузилишга эга, Марказий Осиё минтақасидаги энг катта банкка айланди. Унинг олдига халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ҳукуматнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, мижозларга кенг доирадаги банк хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ вазифалар қўйилди.

Моҳияти иқтисодий ўзгартишлардан иборат бўлган бу даврда эркин конвертацияланадиган валютадаги кредитлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга йўналтирилди. Натижада Ўзбекистон истеъмол бозори ғоят ўткир тақчилликдан ҳимояланди.

Лекин, шу билан бирга, мамлакатимиз валюта ресурсларининг асосий қисмини ўзида жамлаган банк ишлаб чиқариш соҳасига ҳам хорижий валютада кредитлар бера бошлади. Масалан, "Зенит" заводига Жанубий Кореядаги фирмалардан бири билан биргаликда рангли телевизорлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кредит ажратилди; "Совпластитал" «Ўзмиллийбанк» кредитлари ҳисобига Ҳамдўстлик мамлакатларидагина эмас, балки Европа ва Осиёда ҳам жуда харидоргир бўлган пластмасса буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Айни чоғда банк халқаро молия муассасалари билан яқин алоқаларни ривожлантириб, бозор шароитида Ўзбекистонда таъсирчан молиявий сиёсат юритилишига ёрдам берди. Бу борада унинг жамоаси ХВФ, Жаҳон банки, ХМК, Европа иттифоқи комиссияси экспертлари билан ҳамкорликда фаол ишлади.

Шу йили ЕТТБ билан самарали ҳамкорлик қилиш учун ҳам мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бошқарув раиси Р.Азимов Ўзбекистондан ЕТТБнинг ҳукумат бошқарувчиси этиб тайинланди. Ўзбекистон ЕТТБ стратегиясида маъқулланган МДҲ мамлакатларининг тўртинчиси бўлди.

Банкда "Рейтер" агентлигининг ускуналари ўрнатилгач, бутун дунёдан тезкор маълумот олиш ҳамда жаҳон пул ва товар, қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металлар бозорларида операциялар бажариш имконини берди. Банк унинг ёрдамида муддатли операциялар, форвард битимлари, своплар, опционлар ва бошқа жараёнларни ўтказди. Март ойидан бошлаб эса дилинг операцияларини амалга оширишга киришилди.

Банкда халқаро ҳисоб-китобларнинг қарийб 95 фоизи амалга оширилиши натижасида жаҳоннинг энг катта банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғи ривожланди. Бу тармоқ йил охирига келиб, 83 хорижий банкни қамраб олди. Улардан бештаси "ААА" тоифасига мансуб эди.

Мижозларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш мақсадида эса SWIFT халқаро тизимига кириш учун асос яратилди. Бу эса кейинчалик банкка бир неча дақиқа ичида жаҳоннинг исталган жойига тўловлар ўтказиш имконини берди.

Банкнинг ҳар беш ходимидан бири жаҳоннинг биринчи даражали банкларида стажировкадан ўтиб, 26 мутахассис халқаро банк семинарларида қатнашди. 13 нафар талабанинг АҚШ университетларида ўқишини молиялашни ҳам шу жамоа ўз зиммасига олди.

## ИСЛОҲОТЛАР АВЖ ОЛДИРИЛГАНДА...

**1993 йил.** Шу йили Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш давлат дастури қабул қилинди, хусусий мулк ҳимояланиши ва тадбиркорлик ривожланиши таъминланди. Мазкур дастурий ҳужжат давлат иқтисодий тараққиётининг яқин йиллардаги истиқболларини белгилаб, бозор ислоҳотларини қарор топтирди.

Ягона рубль зонаси парчаланиши муносабати билан Ўзбекистонда 15 ноябрдан бошлаб оралиқ пул белгилари — сўм-купонлар муомалага киритилди.

Айни пайтда 1993 йил банк тарихида воқеа-ҳодисаларга энг бой йил бўлди. Бу даврда кўп жиҳатдан «Ўзмиллийбанк» ривожланишининг йўналишлари, унинг ҳозирги қиёфаси шаклланиб, дастлабки катта ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўланган 200 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя «Ўзмиллийбанк»ни собиқ СССРнинг энг капиталлашган банклари қаторига олиб чиққан бўлса, «Ўзмиллийбанк» томонидан эса Тошкентда жаҳондаги 70та энг катта банк, саноат компаниялари ва халқаро молия муассасалари иштирокида "Ўзбекистон ва халқаро сармоя бозорлари: ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унинг ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашди. Анжуман халқаро молия ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг улкан табиий ва иқтисодий салоҳияти билан танишиш имконини берди. Анжуманнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган «Ўзмиллийбанк» эса халқаро эътироф ва обрўга сазовор бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, конференция давомида «Ўзмиллийбанк»нинг янги биноси пойдеворига капсула солинди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган ва «Ўзмиллийбанк» ташкил топган куннинг иккинчи йиллигида халқаро банк анжумани иштирокчилари бу ерда Миллий банк бошқаруви биносига асос солдилар. 1993 йил 6 сентябрь". Шу тариқа банкнинг энг юксак халқаро андозаларга жавоб берадиган янги кўп қаватли биноси қурила бошланди.

Анжуман ўтаётган кунларда эса Тошкентда Минтақавий банк ўқув маркази очилди. ЕТТБ, Европа Иттифоқи комиссияси, Туркия ҳукумати, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг бир қанча банклари билан бирга «Ўзмиллийбанк» ҳам ушбу ўқув марказининг муассиси бўлди. Мазкур марказ Марказий Осиё банк мутахассисларини тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

Банкнинг кредит фаолияти ҳам анча жадаллашди. Жаҳондаги 13та энг катта банк Германия, АҚШ, Швейцария, Франция, Япония суғурта агентликлари кафолати билан «Ўзмиллийбанк»да кредит йўналишлари очди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва барқарорлаштиришда эришилган ютуқлар банк кредитлари тузилишида ўз ифодасини топди. 1992 йилда мамлакатга озиқ-овқат етказиб берилишини молиялаш қиёсий салмоғи жуда юқори бўлган бўлса, 1993 йилда эса машина-ускуналар етказиб берилишини молиялаш улуши кескин ўсди.

Жаҳоннинг 13та биринчи даражали банки ва ЕТТБ биргаликда олтин қазиб оладиган "Ньюмонт-Зарафшон" қўшма корхонаси лойиҳасини молиялаш учун 105 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит бергани эса мамлакат ҳаётида тарихий воқеа бўлди. АҚШнинг энг катта "Ньюмонт-Майнинг" компанияси ўз сармоясини инвестициялаб, Ўзбекистон иқтисодиётига замонавий технологияни жорий этгани, етакчи банклар ўз сармояларини йўналтириб, бизнинг корхонамизга кредит ажратгани ҳам Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланишида ғоят муҳим аҳамият касб этди. Ушбу лойиҳа халқаро банк ҳамжамияти томонидан 1993 йилда молияланган энг яхши лойиҳа, деб топилди.

«Ўзмиллийбанк» чет эл банклари билан ҳамкорликни фаол ривожлантира бориб, жаҳоннинг 35 мамлакатидаги, жумладан, Ҳамдўстлик давлатлари – Россия, Украина ва Қозоғистондаги 120 банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатди. У « SWIFT» ва "VISA International" молиявий телекоммуникациялар халқаро тизимларига қўшилди.

1993 йили, шунингдек, «Ўзмиллийбанк», илк маротаба халқаро молия аудитидан ўтди.Бу ҳуқуқ ЕТТБ томонидан ўтказилган тендер ғолиби —"Ernst and Young" компаниясига берилди. Аудит натижалари банкнинг кучли ва заиф томонларини объектив баҳолаш, уни бундан буён ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш имконини берди.

**1994 йил**. Бу йилда мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги бутун бир босқич қамраб олинди. 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди.Иқтисодиётимизни ислоҳ этиш тадбирлари тизимида бу дадил қадамнинг аҳамияти жуда катта бўлди.

Саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш, пул қадрсизланишини жиловлаш ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришиш масалалари ҳам ҳукумат иқтисодий сиёсатининг марказида турди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари, аграр комплексда барқарор ўсишга эришилди, пул қадрсизланиши даражаси икки баравар камайиб, давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,3 фоизини ташкил этди.

Миллий валютани қўллаб-қувватлаш учун ички бозорни тўлдириш, ишлаб чиқариш тармоқларини, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш юзасидан Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

«Ўзмиллийбанк» шу йили аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини, кичик, ўрта ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган кредит сиёсатини олиб борди.Жумладан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига, олтин қазиб олиш комплекси учун машина-ускуналар етказиб бериш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинатига, Тошкент шаҳрида меҳмонхоналар қурилиши ва автомобиль заводига материаллар сотиб олиш учун миллий валютада кредитлар ажратилди.

Миллий валютадаги кредитларнинг асосий қисми енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга, машинасозлик комплекси, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, транспорт корхоналари ҳамда сайёҳлик ва тиббиётни ривожлантиришга йўналтирилди.

Банк 20 дан ортиқ йирик лойиҳалар бўйича молиялаш ишларини бошлади, бунда кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари улуши анча кўпайди. «Ўзмиллийбанк»нинг ўзига тегишли ресурслари ҳам, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария банклари томонидан уларнинг экспорт-кредит агентликлари қопламаси остида берилган кредитлари ҳам молиялаш манбалари бўлиб хизмат қилди.

Миллий банк жаҳон банк тизимининг пешқадамлари сафига дадил кириб, ўз мавқеини мустаҳкамлади.У "The Banker" журналининг рейтингида 1993 йил якунлари бўйича жаҳондаги энг катта 1000 та банк орасида 824-ўринни ва Осиёдаги 200 та етакчи банк орасида 139-ўринни эгаллади.

Миллий банк картина галереясига асос солиниши эса унинг фаолиятининг янги қирраси бўлди. Бундан мақсад мамлакатимиз маданий меросини сақлаш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш эди. Мамлакат тарихида биринчи марта молия ташкилоти мамлакат маданий меросини сақлаб қолиш билан бирга, санъат аҳлини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзининг картиналар коллекциясини тўплай бошлади.

## ЯНГИ МАРРАЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР

**1995 йил.** Ушбу йилда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти принципларига асосланган очиқ демократик жамият қуриш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг иккинчи босқичига ўтилди.У таназзулни бартараф этишда, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва макроиқтисодий барқарорлашувни таъминлашда, иқтисодий барқарорликнинг аниқ тамойиллари, сиёсий барқарорлик қарор топишида бурилиш ясади.

1995 йил, хусусан, «Ўзмиллийбанк» учун ҳам унумли ва самарали йиллардан бири бўлди. Банк баланси ва кредит портфели барқарорлиги шундан далолат берди. Йил давомида баланс 1,4 баравар, даромад 4,7, сармоя 1,4, резерв ва суғурта фондлари 7 баравар ўсди ва бу ҳолат банкнинг молиявий мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлади.

Йил якунларига кўра, «Ўзмиллийбанк» "The Banker" журнали томонидан жаҳондаги молиявий жиҳатдан энг барқарор 50 та банк орасида энг каттаси деб топилгани ҳамда унга 97.18 BIS коэффициенти берилгани тасодифий эмас. Банкнинг жиддий ҳамкор сифатида обрў қозонгани 210 та хорижий банк ва МДҲга аъзо мамлакатларнинг 42 банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилишига ёрдам берди.

Банк молиялаш суммаси 800 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 42 та йирик лойиҳа бўйича, шунингдек, 14,6 минг мижозга хизмат кўрсатди. "Зарафшон-Ньюмонт", "ЎзБАТ", "Кока-Кола", "Совпластитал", "ЎзДЭУ Электроникс", "ЎзДЭУавто", "Ўздунробита" каби Ватанимиздаги энг катта компаниялар, қўшма ва шўъба корхоналар, "Сименс", "Хёкст", "Текстима", "Алкатель" (Германия); "Шелл", "Каргилл Интерпрайзес Инк.", "Рэнк Ксерокс" (Буюк Британия); "Финагрейн", "Штахель" (Швейцария); "Сафинфра", "Шамбон" (Франция); "Берингер Ингелхайм" каби хорижий фирмалар ваколатхоналари, республикамизга қарашли ва хорижий банклар, кичик ва ўрта бизнес фирмалари шулар сирасига киради.

Йил давомида банк машина-ускуналар ва технологиялар сотиб олишга йўналтирилган кредитлар улушини 2,3 баравар кўпайтиришга эришди. Март ойида газ конденсати қазиб оладиган Кўкдумалоқ кони газ-компрессор станцияси қурилишини молиялаш учун кредит битими тузилди. Бунда АҚШ Эксимбанки, Япония Эксимбанки, Морган Гаранти Траст Компани (АҚШ) банкнинг асосий шериклари бўлдилар.

Яна бир катта лойиҳа – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши лойиҳасини молиялаш учун Чейз Манхеттен Банк, Кредит Коммерсиаль де Франс, ПАРИБА, Япония Эксимбанки кредитлари жалб этилди.

Банк ўзининг вакил банклари тармоғини кенгайтиришни давом эттириб, йил давомида халқаро ҳисоб-китоблар ҳажмини 2,7 баравар, ҳужжатли операциялар ҳажмини 1,8 баравар оширишга муваффақ бўлди.

VISA Classic Debit карточкаларининг ҳар бир эгасига қилинадиган чиқимнинг ўртача лимити бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Банк авиайўловчилар халқаро уюшмаси (IAPA)нинг дисконт карточкаларини чиқарди.

Мамлакатимизнинг асосий молия муассасаларидан бири сифатида молия шўъбасини шакллантириш доирасида «Ўзмиллийбанк» бир қанча тижорат банклари, "Мадад" суғурта агентлиги, мамлакатимизда биринчи "Ўзбеклизинг Интернешнл АЖ" лизинг компанияси ташкил этилишида фаол қатнашди.«Ўзмиллийбанк» билан бир қаторда ҲМК, ЕТТБ ва "Мэйбанк" уларнинг муассислари бўлишди.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси ташкил этилиши республика банк тизимида муҳим воқеа эди. «Ўзмиллийбанк» бу ассоциациянинг ҳам бош муассиси бўлди.

**1996 йил** мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг иккинчи босқичи муваффақиятли якунланган йил бўлди. Бу йилда чуқур институционал бозор ўзгаришлари учун иқтисодий асослар яратилди, макроиқтисодий барқарорликни таъминланиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг кучайиши кузатилди.

Банк баланси 1,85 баравар, кредит портфели 1,85, мижозлари сони 1,5 баравар кўпайди.

Шу вақтга қадар асосан саноатнинг экспортга йўналтирилган соҳаларига мансуб бўлган «Ўзмиллийбанк»нинг мижозлари базаси кичик ва ўрта корхоналар ҳисобига кенгайиб, иқтисодиёти тараққиётнинг умумий тамойилларини акс эттирди.

Миллий валютадаги кредитлар ҳажми анча кенгайди. Энг катта кредитлар Навоий кон-металлургия комбинатига, нефть саноати, сабзавот ва меваларга ишлов бериш фирмаларига,"Ўзбекмебель" давлат акциядорлик жамияти, "Тошуйжойинвестқурилиш" ва бошқаларга берилди. Банк 1000 дан ортиқ кичик ва ўрта хусусий корхоналарни кредитлади.

1996 йилда, шунингдек, «Ўзмиллийбанк» иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларига оид янги лойиҳаларни ҳам молиялади. "Кейс Корпорэйшн" компанияси, Тошкентдаги "Метрополь" меҳмонхонаси, Фарғонада кимёвий тола заводи, Ангрен каолин заводи, Трансосиё-Европа толали-оптик алоқа линиясининг миллий сегменти қурилиши шулар жумласидандир.

Айни чоғда 1996 йил «Ўзмиллийбанк» фаол минтақавий ривожланиш даври бўлди – унинг вилоят бўлимлари ҳузурида 7 та янги филиал ташкил этилди.Сентябрь ойида эса «Ўзмиллийбанк»нинг шўъба банки – "Азия-Инвест банк" ўз ишини бошлади. Бу банк Россия молия бозорларидаги фаолиятни кенгайтириш мақсадида Москва шаҳрида очилди.

## БИРИНЧИЛАР БИЛАН ТЕНГМА-ТЕНГ

**1997 йил** — Инсон манфаатлари йили, Ўзбекистоннинг тобора тезроқ суръатлар билан ривожланишида, жамиятни тубдан ислоҳ қилишда, унинг барқарорлик ва фаровонлик сари ҳаракатида яна бир босқич бўлди. Пул муомаласи барқарорлашуви ҳамда нақд пул эмиссияси қисқариши пул-кредит сиёсатининг энг муҳим йўналишлари муваффақиятли амалга оширилишига олиб келди.

Бу йилда «Ўзмиллийбанк» ҳам жадал ривожланди. У қарийб 53 минг ҳисобвараққа хизмат кўрсатди, бу эса аввалги йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпдир. Вакиллик тармоғи эса жаҳоннинг 65 мамлакати, жумладан, Европа, Америка, Осиё ва Тинч Океани давлатларидаги 409 банкни қамраб олди.

«Ўзмиллийбанк» "The Banker" журнали рейтингида жаҳондаги 1000 та энг катта банк орасида 577-ўринга кўтарилди.

Мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим объектларини молиялаш ҳам банк фаолиятининг диққат марказида турди. Такрор молияланган маблағлар ҳамда банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан умумий қиймати 3,14 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 99 лойиҳа молияланди. Бир қанча йирик объектлар – Кўкдумалоқ газ-кимё мажмуи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, 4 юлдузли "Шодлик" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди, ECGD кредит йўналиши доирасида Тошкент тўқимачилик комбинатида калава ип чиқарадиган цехни модернизациялаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Май ойида "ЎзДЭУБанк" Ўзбекистон-Корея қўшма банки, "АБН-АМРО МБ Ўзбекистон" Ўзбекистон-Голландия банки очилди. ЕТТБ, ҲМК билан бир қаторда «Ўзмиллийбанк» ҳам уларнинг муассисларидан бири бўлди.

ЕТТБ, ОТБ ва ҲМК билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилди.Хусусан, ҲМК Ўзбекистонда умумий қиймати 47 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 5 лойиҳа молияланишини маъқуллади. Пахта териш ва ғалла ўриш комбайнлари ишлаб чиқарадиган *«ЎзКейсМаш»*, *«ЎзКейсАгролизинг»* компаниясини ташкил этиш лойиҳаси,бу лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи *«ЎзКейсСервис» қўшма корхонасини* ташкил этиш лойиҳаси, "*Файз*" мебель ишлаб чиқариш бирлашмасини кенгайтириш ва модернизациялаш лойиҳаси, доривор препаратлар ишлаб чиқарадиган *«ЎзКорфармсаноат»* қўшма заводини барпо этиш лойиҳаси шулар сирасига киради.

«Ўзмиллийбанк», шунингдек, АҚШ Эксимбанкининг суғурта қопламаси остида лизинг йўли билан «БОИНГ 767» ва «300ER» русумидаги икки самолётни ҳамда ECGD (Буюк Британия) кредит йўналиши доирасида «RJ 85» русумидаги икки самолётни сотиб олиб,уларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясига сублизинг тарзида берди.

«Ўзмиллийбанк» жамоаси 3456 кишига етиб, олти йил мобайнида ходимлар 30 баравардан зиёд кўпайди.

## ИНҚИРОЗДАН — ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

**1998 йил** кейинги ўн йилликлар мобайнида жаҳон иқтисодиётида энг мураккаб кечди. 1997 йилда Осиёда бошланган молиявий танглик Россия ва Жанубий Американинг энг катта мамлакатларига ҳам ўтиб, дастлабки тизимли жаҳоншумул тангликни юзага келтирди.

Қувончлиси, собиқ Иттифоқ республикалари ичида фақат Ўзбекистонда кейинги уч йил мобайнида барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича иқтисодий ўсиш кузатилди ва айни пайтда ислоҳотларни амалга оширишнинг ижтимоий жиҳатларига эътибор кучайди. Ялпи ички маҳсулот ўсиши 4,4%ни, бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 3,0%ни ташкил этди. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартишларни таъминловчи тармоқлар, айниқса, жўшқин ривожланди.

Бундай шароитда «Ўзмиллийбанк» илгари белгиланган узоқ муддатли стратегик мақсадларига таяниб, амалдаги вазиятнинг ўзгаришига мослашиб боришга интилди. Пухта ўйланган сиёсат асосида банк активларни бошқариш механизмини ишлаб чиқди ҳамда жаҳондаги молиявий тўфонлардан дадил ўтиб борди.

"Евромани" журнали «Ўзмиллийбанк»ка Ўзбекистоннинг 1998 йилдаги энг яхши банки сертификатини бердики, бу унинг обрўси эътироф этилишидир. 20 майда унинг Осиё банклари уюшмаси (ОБУ) аъзолигига қабул қилиниши эса Ўзбекистон банк тизимида катта воқеа бўлди.

Банкнинг вакиллик тармоғига кирган банклар сони 432 тага етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,Россиядаги танглик даврида Миллий банкнинг Москвадаги шўъба банки – "Азия-Инвест Банк" алоҳида роль ўйнади. Россиянинг аксарият банклари ўз операцияларини тўхтатиб қўйган бир пайтда у Ўзбекистон-Россия савдо обороти юзасидан хизмат кўрсатиш борасидаги ўз фаолиятини давом эттирибгина қолмай, ҳатто банк бизнеси соҳасини кенгайтириб, ўзининг молиявий кўрсаткичларини яхшилади. Йил якунларига кўра, "Азия-Инвест Банк" ишончлилик индекси бўйича рейтингда бешинчи ўринни эгаллаб, Россиядаги 300 та энг катта банклар сафига қўшилди.

Ҳар доимгидек, 1998 йилда ҳам устувор тармоқлар корхоналари ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни, экспорт-импорт операцияларини молиялаш «Ўзмиллийбанк» кредит сиёсатининг бош йўналишлари бўлиб қолди. Энг катта ҳажмлардаги кредитлар АҚШ Эксимбанки (33%), Гермес (26%), Туркэксимбанк (14%), Кофас (8%), Япония Эксимбанки (13%) ва ECGD (3%) суғурта қопламалари орқали жалб этилди.

Кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари ҳамда иккита пахтани қайта ишлаш заводи қурилишини молиялаш учун эса Ўзбекистон банкларига кредит йўналиши очиш масалалари ХМТ билан биргаликда муҳокама қилинди.

Сентябрь ойида ОТБ Директорлар кенгаши «Чингелди-Тошкент-Ховос-Жиззах-Самарқанд» йўналишидаги темир йўлни реконструкциялаш лойиҳасини маъқуллади. Бунда «Ўзмиллийбанк» молиявий агент вазифасини бажарди.

Йирик лойиҳалар устидаги иш тугалланиб, «Попфен», «Наманган-текстиль», «Аснан-текстиль», «Косонсой-текмен» қўшма корхоналари , Хоразм қанд-шакар заводи, Фарғона кимёвий тола заводи, юк машиналари ва мидиобуслар чиқарадиган "СамКочАвто"-қўшма корхонаси ишга туширилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш концепциясига кўра,кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласига «Ўзмиллийбанк» ўз фаолиятининг асосий йўналиши, деб қаради. У халқаро кредит йўналишларини ўзлаштириш борасида фаол иш олиб борди.

**1999 йил** Ўзбекистон учун ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тараққиёт асоси ва кафолати, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишнинг биринчи шарти эканлиги тасдиқланди. Иқтисодий ўсиш давом этиши таъминланди, молия ҳамда пул-кредит тизими мустаҳкамланди. Ялпи ички маҳсулот 4,4% ўсди, бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 1,8 фоизигача тушишига эришилди.

Ушбу йил банк учун ҳам барқарор ўсишнинг навбатдаги даври бўлди. «Ўзмиллийбанк» ўз фаолиятини универсал банк сифатида олиб борди. Бу эса унга Ўзбекистоннинг тез ўсиб бораётган иқтисодиёти талабларига жавоб бериш учун доимий тайёр бўлиш, банк бизнесининг истиқболли йўналишларида фойда олишнинг ишончли манбаларини топиш имконини берди.

«Ўзмиллийбанк» хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни ҳам изчил ривожлантирди. Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларидаги молия муассасалари, саноат компанияларидан 90 дан зиёд делегациялар банкка ташриф буюргани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундан ташқари, банк инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Япония Эксимбанки, "Ситибанк", "Бэнк оф Нью-Йорк", "Американ Экспресс" банки, Греция Миллий банки, "Национале дель Лаворо" банки билан бир қанча кредит битимлари тузди. Жорий савдо операцияларини молиялаш учун банкда давлат кафолатисиз 400 млн. АҚШ долларидан кўпроқ қимматда кредит йўналишлари очилди.

Айни чоғда банк энг катта инвестиция лойиҳалари, жумладан Фарғонадаги "Азот" ИЧБда суюқ хлор, хлорид кислота ва каустик сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш, натрий хлор ва хлорат магний дефолианти ишлаб чиқаришни реконструкциялаш; Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикасида целлюлоза ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар келтириш ва ўрнатиш; "Ўзбекистон ҳаво йўллари" учун иккита «Боинг 757-200» самолёти ва уларга эҳтиёт қисмлар лизинги; Қизилқум фосфорит комбинатига фосфорит кукуни ишлаб чиқариш учун кон ускуналари етказиб бериш бўйича лойиҳаларни молиялашга эришди. Кичик ва ўрта бизнес учун берилган кредитлар портфели таркибида эса қарз олувчиларнинг 50 фоизи хорижий шериклар иштирокидаги хусусий корхоналар, 21 фоизи кичик хусусий корхоналар, 18 фоизи акциядорлик жамиятлари ва 8 фоизи жамоа корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Банк инвестиция портфели ҳажмини кўпайтириб, корпоратив қимматли қоғозларга қўйилмалар самарадорлигини оширди.

Банк бўлимлари орқали қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо электрон тизими — "Замонавий мулкдор" маҳсулоти жорий этилди. Унинг ёрдамида фирмалар ва фуқаролар учун инвестиция фаолиятининг замонавий шакллари таклиф қилинди.

Ушбу йил, хусусан, банкнинг пластик карточкаларини жорий этишда ҳам бурилиш даври бўлди.

«Ўзмиллийбанк»ка Ўзбекистон банклари орасида биринчи бўлиб "Томсон Файнэншл БэнкВоч" агентлигининг рейтинги берилди. Бу рейтинглар даражаси МДҲ банклари орасида энг юқорисидир.

**2000 йил**. Минг йилликнинг охири ва янги асрнинг бўсағасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иқтисодиётни янада ислоҳ этишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотлар ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳамда реал мулкдорлар синфини шакллантириш, чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб этиш, кичик ва ўрта бизнес учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётимиз халқаро хўжалик тизимига кенг миқёсда кириб боришини таъминлаш шулар жумласидандир.

Банк ўз навбатида энг катта янги инвестиция лойиҳалари — «Кобул-Фарғона Ко" қўшма корхонасида реконструкциялаш, техник қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш, машина-ускуналар сотиб олиш, Фуқаро авиациясининг 243-заводи негизида Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш, Самарқандда "Президент-Отель" қурилиши ҳамда Урганчдаги "Хоразм" меҳмонхонасини реконструкциялаш, "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамиятида автомобиллар моделлари сафини кенгайтириб, "Матиз" автомобилини ишлаб чиқариш, "Ўз-Эксайд" қўшма корхонасида кислотали аккумуляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларини молиялашга киришди.

Шу билан бирга банк аҳолига кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтира бориб, ўз омонатчилари миқдорини 1,5 баравар кўпайтирди ва аҳолининг сўмда жалб этилган депозитлари бўйича Ўзбекистонда пешқадамликни қўлга киритди. Бу борада у СССР Жамғарма банкининг вориси, чакана мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган энг катта банк – Халқ банкидан ҳам ўтиб кетди.

Осиё ва Тинч Океани минтақаси банк анжуманининг ҳар йили ўтказиладиган йиғилишида «Ўзмиллийбанк»нинг "Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури"ни халқаро молия ҳамжамияти юксак баҳолади. Мамлакат хусусий шўъбасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун банк "Молиявий ривожлантиришга доир энг яхши дастур" номинациясида ғолиб чиқди.

**2001 йил** Бу йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ хўжалигида изчил таркибий ўзгартишларни амалга ошириш, хусусий мулк етакчилик қиладиган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ҳамда валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида эса қуйидаги объектлар — «Қизилқум» фосфорит комбинати, Фарғона фуран бирикмалари заводи, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Кобул-Фарғона Ко" қўшма корхонаси ишга туширилди.

«Ўзмиллийбанк»нинг бошқа банк муассасалари билан ҳамкорлиги ҳам тобора чуқурлашди. Унинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 66 мамлакатидаги 500 банкни ўз ичига олди. Йил ўрталарига келиб, хорижий банклар «Ўзмиллийбанк» учун савдони молиялаш бўйича ҳажми 520 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган кредит йўналишларини очди.

"The Banker" журнали жаҳондаги 1000 та энг катта банклар рейтингини эълон қилганда, «Ўзмиллийбанк» бу рўйхатда 403-ўринни эгаллади.

Миллий банк мамлакат фонд бозорини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Осиё ва Тинч Океани минтақаси банкларининг ҳар йили ўтказиладиган конгрессида унинг "Замонавий мулкдор" деб номланган маҳсулоти "Энг яхши инновацион маҳсулот" номинациясида ғолиб, деб топилди.

Кеча Тошкентда Осиё банклари уюшмасининг анжумани очилди. Бу Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришилган ютуқлар халқаро доираларда эътироф этилганини тасдиқлайди. Бундай даражадаги анжуман Тошкентда яна 2003 йилда ташкил этилади. Ўшанда мамлакатимиз пойтахтида ЕТТБ Бошқарувчилари кенгашининг ҳар йиллик мажлиси бўлиб ўтади.

Бугун эса «Ўзмиллийбанк» жамоасида муҳим воқеа — унинг ташкил этилганлигининг 10 йиллиги катта байрам сифатида нишонланади. Бу кунни банк ходимлари муносиб тўёналар билан кутиб олмоқдалар. Сиз бунга юқорида гувоҳ бўлдингиз.

Байрамингиз муборак, Миллий банк заҳматкашлари!

4769

